ҲАРБИЙ НАЗОРАТ ЎРНАТИЛДИ

Асосий порт Тамил сепаратистларидан тортиб олингач, Жафна ярим оролида ҳарбий назорат ўрнатилди.

РАСМИЙ ТАШРИФ

Шу йилнинг 22-23 май кунлари Украина парламенти вакиллари Латвияда бўлади. Украин делегациясини спикер Александр Мороз бошқаради. Делегация вакиллари Латвия Бош вазири Андрис Скел, молия вазири Аиварс Крейтус томонидан қабул қилинади.

30 ЙИЛ ОЛДИН

Бундан 30 йил олдин, май ойида Хитойда «Катта пролетар маданий революцияси» бошланган, бу аслида давлат раиси Мао Цзе Дунниг «кучларни бирлаштириш»га уринишидан бошқа нарса эмас эди. Аммо Хитой олимлари бу жараённи 10 йиллик таназзул деб баҳоламоқдалар.

ЯНГИ БОШ ВАЗИР

Ҳиндистоннинг янги Бош вазири Атал Вихари яқинда расмий равишда халқ олдида қасамёд қилди. У ўз тарафдорлари парламентда рўй берган катта бўлинишга барҳам беради, деб айтди.

АСИРЛАРНИ ЎЛДИРИШМОҚДА

Индонезияда исёнчилар асирга олинган икки нафар тинч аҳоли вакилини қатл этдилар. Индонезия ҳарбий қўшинларининг уюшган чоратадбирлари ёввойи ўрмонларда беркиниб олган исёнчиларнинг қўпорувчилик ишларига барҳам бермоқда.

ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши ушбу халқаро ташкилотга аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳарбий заҳира кучларини Бурундидаги зўравонликларга қарши юбориш режасини билдирди.

ҚОТИЛ ИШЧИЛАРНИ ОТМОҚДА

Исроилда номаълум қотил Меҳнат партияси ишчиларини номаълум сабаб билан отиб, беркинмоқда. Полиция маълум қилдики, қотил Ликут партияси сўл қанотига тегишли машинада номаълум ёққа кетиб қолган. Бу қотиллик Ликут партиясини мушкул аҳволга солиб қўйди.

ПРЕЗИДЕНТ ЧЕТЛАШТИРИЛДИ

Доминикан Республикаси Президенти Жаквин Балаквер 30 йилдан буён биринчи марта ҳукуматдан четлаштирилди. Чунки у ҳозир 89 ёшда бўлиб, яхши эшитмайди. Кўзи ҳам яхши кўрмай қолган. Қизиғи шундаки, шундай аҳволда ҳам уни эгаллаб турган лавозимидан мажбуран четлаштиришган.

ЁВВОЙИ ЙЎЛБАРСЛАР ЙЎҚОЛМОҚДА

Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро жамғармасининг маълумотига кўра, ёввойи йўлбарслар кун сайин озайиб бормоқда. Женевадаги ушбу жамғарманинг расмий вакиллиги табиат муҳофаза қилинмай қўйилгани ҳамда дунё миқёсида браконьерлик авж олиб бораётганлиги учун ушбу нодир жониворлар йўқолиб бормоқда, деб маълумот беради.

Шу вакилликнинг ахборотига кўра, ҳозир жаҳонда 4600 та ёввойи йўлбарслар қолган.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИДА

АҚШ ҳукумати Хитойни кино асарларни ўғирлашликда айбламоқда. Бунинг олдини олиш учун иккала давлат вакиллари махсус музокара даврасига тўпландилар. Музокаралар жараёнида Хитой томони АҚШдан аудио-видео бозори маҳсулотларини ўғирлаш билан боғлиқ талабларни жавобсиз қолдиришга ҳаракат қилди. Шунга қарамай, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти раиси Ренатё Рушеро Хитой ва АҚШ вакилларини ушбу масалани овозга қўйиш билан ҳал этишга чақирди.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 18 май, шанба № 60 (21.981).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МДҲ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

МОСКВА, 17 май. (ЎзА мухбири Амирқул КАРИМ хабар қилади). Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг йигирманчи учрашувида иштирок этиш учун Москвага келди. Шу куни МДҲ мамлакатлари ташқи ишлари вазирлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

17 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Воробево Горидаги ўзи учун ажратилган қароргоҳда Беларусь Президенти А. Лукашенко билан мулоқотда бўлди.

Кремлда МДҲ давлат раҳбарларининг кенгаши дастлаб ёпиқ эшиклар ортида ўз ишини бошлади. Сўнгра Кремлнинг Екатерина залида МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг ялпи мажлиси бўлди.

Унда Россиядаги демократик жараёнларни қўллаб-қувватлаш ҳақида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Президентлари томонидан тавсия этилган баёнот бир овоздан маъқулланди. Шундан сўнг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги интеграция ривожининг 1996-97 йиллардаги истиқбол режаси, МДҲга аъзо мамлакатлар ҳудудида уюшган жиноятчиликка ва бошқа хавфли жиноятларга қарши биргаликда кураш тадбирларининг 2000 йилгача бўлган давлатлараро дастури каби ўнга яқин масала муҳокама қилинди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кенгашнинг ялпи мажлисидан сўнг БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий МДҲ давлат раҳбарлари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

Кенгаш мажлиси якунлангач, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва МДҲга аъзо бошқа мамлакатларнинг Президентлари журналистлар билан учрашди. Президентлар журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтардилар.

Шунинг билан МДҲ давлатлари раҳбарларининг йигирманчи учрашуви ниҳоясига етди.

БУ ЙИЛГИ ТЕСТ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Мактабларда сўнгги қўнғироқ янграшига ҳам саноқли кунлар қолди. Демак, ҳаяжонли дамлар яқин. Катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёшлар ўз бахтларини турли билим даргоҳларида синаб кўриш ҳақида ўйлашмоқда. Хўш, бу йилги тест синовлари қай тарзда ўтказилади? Бу савол йигит-қизларни ҳам, ота-оналарни ҳам қизиқтириши табиий. Шуларни эътиборга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Муҳсинжон МУҲИТДИНОВга мурожаат қилдик.

— Муҳсинжон ака, марказ ишида қандай янгиликлар рўй берди?

— Аввало барча олий ўқув юртларига, тегишли вазирликларга тест синовлари бўйича таклифларни юборишни сўраб мурожаат қилдик. Ҳаммаси бўлиб киркдан зиёд хат олинди. Уларда асосан тест усулини такомиллаштириш, уни янада давом эттириш юзасидан фикрлар билдирилди. Саволлар жамғармаси яна бир бор кўздан кечирилди. Тест саволларининг мураккаблик даражаси, ўқув дастури боблари ҳисобга олинган ҳолда вариантлар машинада тузилмоқда. Агар ўтган йили тест саволлари уч вариантда бўлган бўлса, бу йил улар сони янада кўпаяди. Тест саволлари жамғармаси тузилиб, уларнинг мураккаблик даражаси апробация қилинмоқда.

— Бултур тест саволлари «Маърифат» газетасида чоп этилган эди. Нега шу тажриба давом эттирилмади?

— Ҳақиқатдан ҳам, ўтган йили саволлар «Маърифат»да эълон қилинган эди. Албатта, бу ҳам тест усулининг халққа яқинлашувида муҳим босқич бўлди. Эндиликда саволларнинг марказ чоп этган «Ахборотнома»да берилиши тест усулини татбиқ этишнинг такомиллашуви деб баҳоланмоқда. «Ахборотнома»ларда (бугунгача унинг тўртта сони босилиб чиқди, яна навбатдагилари пешма-пеш тайёрланмоқда) эса нафақат саволлар, айни пайтда тест ўтказиш услублари, методик йўл-йўриқлар, илгари йўл қўйилган характерли камчиликлар, тест саволларига ечимлар изоҳи мufассал баён этилган.

— Тестнинг яшовчанлигини нималарда кўрасиз?

— Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб тест йўлини танлади. Негаки, бу усул ривожланган давлатларда бир неча ўнлаб йиллар мобайнида синаб келинмоқда. Ҳар жиҳатдан пухта тузилган тест талабаликка даъвогарнинг тафаккурини, билим даражасини, савиясини холисона баҳолай олади. Агар кузатаётган бўлсангиз, тест жорий этилгандан кейинги давр мобайнида ота-оналар ўз фарзандларини репититорларга топшириш йўлига ўтишмоқда. Демак, ўқишга кириш учун ҳақиқий билим олишдан бошқа йўл йўқ, деган тушунча мустаҳкам қарор топмоқда.

Яккама-яккка

Шуни айтиш керакки, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбойжон республикалари ва Россия Федерациясида ҳам бу йил тест марказлари ташкил этилмоқда. Улар бу борада тажриба алмашишга Ўзбекистонга мурожаат қилишаётганлиги ҳам бизда тестнинг нуфузи ошганлигини кўрсатади.

— Тест усулининг келажаги ҳақида қандай тасаввурдасиз?

— Менинг назаримда, тест усулининг бутун имкониятлари тўлиқ намоён бўлиши учун ўзаро боғланиб кетган яхлит тизим таркиб топиши зарур, деб ўйлайман. Ёшларимиз тест чиғириғига фақат мактабни битиргандан кейин абитуриентлик пайтдагина эмас, билим олиш давомидаги барча босқичларда дуч келишса айни муддао бўларди.

— Охирги савол: «Ахборотнома»лар ўз эгаларига етиб боряптими?

— Давлат тест маркази чоп этган ўзбек ва рус тилларидаги «Ахборотнома»ларни аввало республика Халқ таълими вазирлиги орқали мактабларга тарқатмоқдамиз. Маълум бир қисмини марказимизнинг вилоятлардаги вакиллари орқали жойларга етказишга ҳаракат қиляпмиз. Шу билан бирга истаган одам «Ахборотнома» сонларини «Матбуот тарқатиш уюшмаси»нинг рўзномалар дўконларида сотиб олиши мумкин. Шуни айтмоқчиманки, фойдаланиш учун жуда ўнғай тайёрланган журнал узоқ йиллар кутубхоналар мулки бўлиб қолиши мумкин.

Шуҳрат ЖАББОРОВ суҳбатлашди.

100 СЎМЛИК АКЦИЯГА – 500 СЎМДАН!

Қимматбаҳо қоғозлар бозори

Жиззах шаҳридаги оҳак ишлаб чиқариш корхонаси ўтган йили ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, унга 147 киши аъзо бўлган эди. Ҳиссадорлар йил давомида маҳсулот сифатини ошириш устида ишладилар. Оҳак ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 6 минг тоннага оширилиб, 34 минг тоннага етказилди. Бу 51 миллион 650 минг сўм пул бўлди. Ишлаб чиқариш харажатлари чегирилиб, қолган маблағ ҳисоб-китоб қилинганда корхона нақд 5 миллион сўм соф фойда олди!

Яқинда ана шу фойданинг 2 миллион 100 минг сўми ҳиссадорларга расамади қилинди. Уларнинг қўлларидаги 1 миллион 33 минг сўмлик 5381 дона акциянинг ҳар 100 сўмига 500 сўмдан улуш (дивиденд) тўғри келди. Ишчилар бундай мўмай даромаддан хурсанд бўлдилар. Ахир, биргина Ольга ва Рашид Аюповлар 71250 сўм, илғор ишчи Усмон Каримов 37500 сўм, Ражаббой Аширматов 26500 сўм, Матлуба Аббосова 33500 сўм олса қувонмай бўладими? Корхонанинг бошқа ҳиссадорлари ҳам шунақа катта пул эгаси бўлдилар. Уларнинг бу даромадига ойма-ой олган 1200-1400 сўм маош кирмайди.

Корхонада жорий йил ютуқлар йили бўляпти. Буни ҳиссадорларнинг биринчи чоракда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 минг тонна зиёд, жами 12250 тонна оҳак ишлаб чиқаргани ҳам кўрсатиб турибди.

— Шу кунларда ҳиссадорларга биринчи чорак дивидендларини тарқатяпмиз, — дейди корхона раҳбари Тоҳиржон Мамараҳимов. — Бултурги даромад ҳисобидан «Суғдиёна» футбол командасига бир миллион сўм туҳфа қилдик. Жиззах шаҳридаги тери касалликлари шифохонаси, «Нур» болалар боғчаси ва Ҳ.Абдужабборов номли ўрта мактаб биносини икки йилдан буён ўз ҳисобимиздан таъмирлаяпмиз.

Корхона маҳсулоти асосан республикамизнинг олтин конларига етказиб берилади. Жиззах оҳагидан маъданларни ювишда фойдаланишади. Шуниси эътиборга лойиқки, сўнгги йилларда бирон корхонадан оҳак сифатига эътироз тушгани йўқ.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.



Она-Ватан манзаралари.

СЎНГГИ СОАТДА

МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МОЗИЙНИ УНУТИБ БЎЛМАС

• ХОРАЗМ. Вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди. Фалсафа фанлари номзоди Й. Бобожонов, Урганч Давлат университети доценти М. Матниёзов ва бошқалар «Темур ва темурийлар даврида фан, маданият ва саньатнинг ривожланиши» мавзусида маъруза қилдилар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

«СТВ» — БЕШ ЁШДА

• САМАРҚАНД. Ёшлар ташаббуси билан юзага келган телекомпания беш ёшга тўлди. Шу муносабат билан Афросиёб меҳмонхонаси мажлисхонасида адабий-бадиий кеча ўтказилди. Вилоят ҳокими А. Мардиев ва чет эл телекомпанияларининг вакиллари ёш телеижодкорларни муборакбод этдилар. Самарқанд телевидениеси бугунги кунда учта канал орқали бир кеча-кундузда 35 соатлик кўрсатувлар намойиш қилмоқда.

Фармон ТОШЕВ.

ҚИЗИЛТЕПА ТОЛАСИ КОРЕЯГА

• НАВОИЙ. Қизилтепаликлар ўтган йили 35 минг тоннадан зиёд пахта етиштириб, йиллик режани ошириб бажаришганди. Туман пахта тозалаш жамоаси кейинги олти ойда қарийб 12,5 минг тонна тола тайёрлаган бўлса, бунинг 1440 тоннаси Кореяга, 500 тоннаси Швейцарияга жўнатилди.

Музаффар ШАРОПОВ.

«ШАҲРИХОН-ХОНОБОД» ПОЕЗДИ

• АНДИЖОН. Ҳунарманду тадбиркорлар юрти — Шаҳрихон билан соя-салқин оромгоҳлар бағрига жойлашган Хонобод ўртасида поезд қатнови йўлга қўйилди. Кўплаб маҳалла ва қишлоқлар аҳолисининг узоғи яқин бўлди. Бу Шаҳрихон туман ҳокимлиги, Ўзбекистон ХДП туман кенгашининг ҳамжиҳат ҳаракати, вилоят ҳокимлиги ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси, унинг Фарғона бўлими ёрдами натижасидир.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

МАРД МАЙДОНДА СИНАЛАДИ

• НУКУС. Деҳқончиликдаги кечикишнинг олдини олиш, экинларга қўшимча ишлов бериб озиқлантириш, ҳар туп ғўза, шоли ва бошқа экинларнинг соғлом ривожланишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши «Ватанимизни зарбдор меҳнатимиз билан яшнатайлик» мавзусида республика пахтакорлари, қишлоқ хўжалик ходимлари ва барчага мурожаат қабул қилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ЭКОЛОГИЯ: ОРОЛ ВА МИРЗАЧЎЛ

• СИРДАРЁ. Гулистонда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Экология ва саломатлик» муаммо, мулоҳаза, таклифлар» мавзуида илмий назарий конференциясини ўтказди. Унда Орол денгизи муаммолари ва Мирзачўл наботот оламини сақлаш сингари муаммолар хусусида баҳс юритилди.

Абдужалил УМАРОВ.

ДЕҲҚОННИНГ КЎЗИ АЛДАМАЙДИ

• СУРХОНДАРЁ. Ангор туманида 45 комбайн техник қаровдан ўтказилди. Энг муҳими, машиналар малакали деб топилган комбайнчиларга биркитилди. Демак, ҳар бир комбайн билан кунига 5 гектар майдонни ўришга эришилса бас, 6600 гектар майдондаги ғалла ўрим-йиғими ўттиз иш кунида ниҳоясига етказилади.

Олимжон УСАНОВ.

МАШҲУР ПИЛЛАКОРГА ЭҲТИРОМ

• ФАРҒОНА. Вилоятда пилла ҳосилини теришга қизғин тайёргарлик бошланди. Айни пайтда Фарғонадан чиққан машҳур пиллакор Олияхон Султонова номидаги мукофот ташкил этилди. Вилоят пиллакорлари ичида энг юқори курсаткичларга эришганлар шундай мукофотга сазовор бўлдилар.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ҳуқуқий давлат қуриш сари

ЎЗ ЭРКИНИ ТАНИШ

Ҳозир кишилик жамияти шундай тараққиёт даражасида яшамоқдаки, ҳуқуқ тушунчаси, сиёсий-ижтимоий тизими ва ривожланишидан қатъи назар, ҳар бир давлатнинг тамал тоши, пойдевори бўлиб қолди. Сиёсий жиҳатдан бошқа халқлар манфаатига уйғун, ижтимоий жиҳатдан адолатли ҳуқуқий меъёрлар мажмуи ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиёти ва истиқболи, халқлар осойишталигининг кафолатидир.

Халқимиз жуда катта ҳуқуқий илм, ҳуқуқий тафаккур тажрибасига эга. Ўзбек давлатчилигининг илдизлари қанчалик тарихий бўлса, ўзбек миллий-ҳуқуқий онги ҳам шунчалик қадимийдир. Улуғ соҳибқирон бобомиз Амир Темур бунёд этган буюк давлат адолат пойдеворига қурилгани учун ҳам ўз даврининг илғор давлати ҳисобланади. Шарқона давлат ҳуқуқи «Темур тузуклари»да тўлиғича ўз аксини топган. Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниш, халқаро ҳуқуқнинг эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш, ҳозирги замон ҳуқуқ илми, халқаро ҳуқуқий меъёрлар, халқимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари мамлакатимизда бугунги кунда қурилаётган ҳуқуқий жамиятнинг ҳам асосидир.

Ҳозир Ватанимизда илғор ҳуқуқий таълим тизими, ҳуқуқшунослик фани ва марказлари — Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти, Фанлар академияси қошида ҳуқуқнинг назарий муаммоларини илмий тадқиқ этувчи Фалсафа ва ҳуқуқ институти, шунингдек Суд-медицина экспертизаси институти, кенг кўламдаги одил судлов маҳкамалари, прокуратура, адвокатура ва юридик маслаҳат идоралар тизими, ижтимоий таъминот юридик техникуми ва юридик коллежлари фаолият кўрсатмоқда. Бу тизим Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритганидан кейин янада фаолроқ амал қилмоқда. Ушбу мактаблар тизими юксак малакали ҳуқуқшунослар ва амалий ходимларни тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни, ижтимоий демократик муносабатларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш вазифасини бажармоқда. Буларнинг ҳаммаси — келажакда Ўзбекистонда қудратли, замонавий, демократик, ҳуқуқий жамият қуриш учун барча имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида амал қилаётган халқаро меъёрлар, маънавий-ахлоқий талаблар, мезонлар тизимига тадрижий кириб бормоқда.

Узбекистон истиқлол йўлининг ўзига хослиги шундаки, Ватанимизда мавжуд имкониятларга қўшимча равишда халқимизнинг маънавий қадриятлари, жумладан ҳуқуқий онги, маданияти, анъаналарини қайта тиклаш, улардан давлатимиз истиқболини мустаҳкамлаш, камол топтиришда янада кенгроқ фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жамиятда мавжуд тизимлар юз йилларда ўзгаради. Ўзбекистон ана шу юз йиллар масофасини қисқа муддатда босиб ўтмоқда. Тадрижий тараққиётнинг узоқ ва узун йўлини оз фурсатда адашишлар ва зиён-заҳматсиз босиб ўтиш учун чўнг ҳуқуқий маърифатга эш, мунаввар мактаблар сабоғидан баҳраманд бўлмоқ лозим. Бизда шундай мактаблар бор. Шубҳасиз, Ислом, Шариат ҳуқуқи, ахлоқ меъёрлари халқимиз умум маданиятининг бир булаги бўлгани каби ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий маърифатининг ҳам таркибий қисмидир. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Ўта марказлашган собиқ СССР давлати қонунчилиги миллий республикалар ва халқлар ҳуқуқини таҳқиромуз даражада ерга уриб ташлаган эди. Бугун бошли республика оддий бир анҳорга оддий бир кўприк қурмоқчи бўлса ҳам Москвадан расмий равишда рухсат олиши зарур эди. Халқимизнинг кўп қисми энг оддий маҳкамаларда ҳам нисбатан оз, аммо ижтимоий мавқеи атайин ошириб қўйилган ерли бўлмаган бир аҳоли тилида мурожаат этишга, уларнинг йўриғидан юришга маҳкум этиларди.

Ана шундай ижтимоий адолатсизлик йилларида кишиларимизнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онги атайин ўстирилмади. Чунки ҳуқуқини таниганлар уни талаб қилиб қолиши мумкин эди.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, халқимиз миллий давлат барпо этишни ўзининг асосий вазифаси қилиб белгилади. Ҳуқуқий ва демократик тамойиллар келажаги буюк миллий давлатимизнинг асосини ташкил этади. Бу тамойиллар — ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаси, халқаро ҳуқуқ қоидалари устунлигини тан олиш — республикамизнинг Асосий Қонуни — Конституцияда ҳам ўз ифодасини топган. Ҳуқуқий, адолатли, юксак ахлоқий қадриятлар меъёр саналадиган инсонпарвар жамиятни барпо этиш йўли қатъийлигини таъкидлар экан, Президентимиз шундай деган эди: «Бизнинг юртимизда ислоҳотлар давом этмоқда, демократик жараёнлар давом этмоқда. Биз албатта демократик ҳуқуқий жамият барпо этамиз».

Полвон ЧЎЛИЕВ,
Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходими, фалсафа фанлари номзоди.

Ҳаёт билан ҳамнафас

ҲАММАЛАРИ АЪЗО БЎЛИШДИ

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги А. Валихонов номли 5-ўрта мактаб педагогика аҳли кўплаб ибратли ташаббуслар бошида бўлади. Ўқув-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Мактабда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун турли мавзуда тадбирлар ўтказилади. Уларда олимлар, ёзувчилар ва санъаткорлар иқтисодий ислоҳот, маърифат ва маданият соҳасидаги янгиликлар ҳақида маъруза қиладилар.

Бундан ташқари, мактаб жамоаси Ўзбекистон ХДП дастури доирасида партиявий ишларга алоҳида аҳамият бермоқда. Ҳозир мактабнинг 80 нафар ўқитувчилар жамоаси партияга аъзо бўлди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон — Ватаним маним

«БИЗНИ БИЛМАС ЭКАНСИЗ...»

Тўғриси, кўрик бошланишидан аввал кўнглимиздан турли мулоҳазалар ўтди. Буни яширмадик ҳам. Шунда...

Отаси бахши ўтган, ўзиям яхшигина қўшиқлар айтадиган ҳазилкаш, милиция капитани Тошпўлат Эшқувватов ҳазилнамо оҳангда «шошилманг. Кўриб, билиб кейин айтасиз, ёзасиз» деди.

Ўтган куни кечгача Ҳамза номидаги академик театр биноси карнай-сурнай садоларию, дилларни титроққа солгувчи наволарга тўлди. Катта майдондан ўтган ҳам, қайтган ҳам сўраб қўяди: «Бу мелисаларнинг байрами бўляпти шекилли», деб. Ҳақиқатдан ҳам бу кун улар учун жуда катта тантана эди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги идоралари «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг якунловчи босқичида қатнашиш учун 19 жамоа орасидан ғолибни аниқлаб олиши керак эди. Ҳар бир жамоа бу танловга алоҳида тайёргарлик кўргани саҳнада намоён бўлди. Биз нафақат танлов иштирокчиларининг, балки томошабинларнинг ҳам чексиз ҳайрат ва ҳаяжонини ҳар бир чиқишдан сўнг сезиб турдик. Чунки ҳамма ўзини бу улкан синов олдида масъул деб билди. Ниҳоят...

Муҳташам бинога ҳисобли лаҳзалар оралиғида жимлик чўкди. Нуфузли соҳа вакилларидан иборат жюри ҳайъати ғолибларни эълон қилди.

«Ўзбекистон — Ватаним маним» республика кўрик-танловининг якунловчи босқичида республика Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар бошқармасининг «Турон юлдузлари» дастаси хонандаси Умар Ҳамдамовга «Жоним Ватан» қўшиғи (Усмонжон Шукуров шеъри) учун биринчи ўрин берилиб, у якунловчи босқичга йўлланма олди.

Иккита иккинчи ўриннинг бири «Турон юлдузлари» дастаси хонандаси Тожибар Азизова ва ўғли Азизжонга «Истиқлолинг муборак» (Хуршид Даврон шеъри) қўшиғи учун, бири эса Жиззах вилоят ички ишлар бошқармаси хизматчиси Назира Раҳматовага «Ўзбекистон» (Жонибек Субҳон шеъри) қўшиғи учун берилди.

Учта учинчи ўриннинг биттаси Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси хизматчиси Раиса Исмоилова ижросидаги «Ватан қолади», иккинчиси Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизмати инспектори Куват Шариповга «Ўзбекистон — Ватаним маним», учинчиси эса Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармаси бадиий ҳаваскорлик жамоаси ашулачилар гуруҳига «Ўзбекистон» қўшиқлари учун берилди.

... Тошкентга шом туша бошлади. Кўрик тугаб, ҳамма ўз манзилларига, халқ осойишталиги посбонлари эса хизмат жойларига йўл олдилар. Бир пайт... елкамга бир қўл қўйилди. Қайрилиб қарасам, жилмайиб турган ўша капитан ҳофиз Тошпўлат ака. Секингина «Бизларни билмас экансиз. Энди кўрдингизми?» деб қўйди.

Норқобил ЖАЛИЛ.

Халқ айтгани ҳақ чиқар

МУШТАРИЙ:

миннатдорчилик билдиради

БОР БЎЛСИН, ШИФОКОРЛАР

Шу йилнинг февраль ойида волидаи муҳтарамамиз Кароматхон Йўлдошева бирданига бетоб бўлиб қолди. Онамизни тезда Андижон шаҳридаги Бош клиник шифохонага жойлаштирдик. Бу ерда ўз касбининг ҳақиқий фидойилари хизмат қилар экан.

Бўлим бошлиғи Ғиёсиддин ака ва ёрдамчи врач Бахтиёр Орипов ҳамда бўлим катта ҳамшираси Ҳикматой опаларнинг беморлар бошида ҳамиша парвона, дардига малҳам бўлаётганини кўриб кўнглимиз таскин топди.

Онамизнинг соғайиб, тезда оёққа туриб кетишларида ўзларининг бор билим ва маҳоратларини аямаган юқорида номлари тилга олинган шифокорларга чуқур миннатдорчилигимизни билдириб, мустақил юртимизда шундай фидойи саломатлик посбонлари доимо бор бўлсинлар, деймиз.

Шокиржон ЙЎЛДОШЕВ,
Андижон туманидаги Бўтақора қишлоғи.

... таклиф этади

СУҒУРТА БОЗОРИ КЕРАК

Ҳозир республикамизда 25 дан ортиқ суғурта компаниялари (жамиятлари), агентликлари, фирмалари бўлиб, ҳудудий бўлимларини ҳам ҳисобга олганда уларнинг сони 60 дан ортади. Бу суғурта ташкилотлари фақат фуқароларнинг ҳаёти ва мол-мулкини ихтиёрий суғурта қилиш билан чегараланмасдан, балки корхона ва хўжалик ташкилотлари, фирмаларнинг мол-мулкларини, юкларни, транспорт воситаларини суғурта қилишади.

Лекин республикамизда ҳали суғурта бозори ташкил қилинмаган. Кўпчилик корхона ва ташкилотлар суғурта ташкилотларининг манзилгоҳларини билмайдилар. Суғуртанинг айрим хиллари билан етарли таниш эмаслар. Шу муносабат билан республикамизда суғурта бозорини ташкил қилишга киришиш керак.

Дастлаб бундай бозорни Тошкентда тажрибадан ўтказиш лозим.

Бозор уч хил йўл билан ташкил қилиниши мумкин. Биринчидан, суғурта ташкилоти томонидан телевидение, радио, матбуот орқали реклама бериш, ташкилот низомида кўзда тутилган суғурта хиллари ва уларнинг шартлари билан таништириш, иккинчидан, бир неча хусусий суғурта ташкилоти биргаликда ўзлари амалга оширадиган суғурта хилларининг шартлари ҳақида китоб нашр қилиш йўли орқали суғурта хиллари билан таништириш даркор.

Учинчидан, ўнлаб суғурта ташкилотлари ўзаро келишиб, бино ёки кенг бир хонани ижарага олиб, 10-15 суғурта ташкилоти номидан бозор очиши ва суғурта хизматларининг объектлари ва хиллари билан таништириши, улардан бирини танлаши ва бу асосда шартнома тузишга имконият яратиши лозим.

Фикримизча, учинчи усулда, масалан Тошкент шаҳрида 40 га яқин суғурта ташкилотларининг вакилларини бир бинога тўплаб, имкониятларини бўлажак суғурталанувчиларга тушунтирсалар ва шартнома тузишга ёрдам берсалар, бу ишнинг фойдаси катта бўлиши исбот талаб қилмайди.

Ҳ. СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори.

...танқид қилади

КУЗДА ТЕРИЛГАН ПАХТА ПУЛИНИ ЁЗДА ОЛАМИЗМИ?

Шаҳрисабз тумани Алишер Навоий номли 32-ўрта мактабнинг X-XI синфлар ўқувчиларидан 80 нафари 10 нафар ўқитувчи бошчилигида Усмон Юсупов туманининг Махтумқули номли жамоа хўжалиги пахта далаларида 1995 йил ҳосилини йиғиб-териб олишда ёрдам берган эдилар.

Жамоа хўжалиги дастлаб 19 сентябрдан 3 октябргача ҳар бир килограмм терилган пахта учун 1 сўм 20 тийин, 4 октябрдан 13 октябргача 1 сўм 50 тийиндан, 14 октябрдан 10 ноябргача эса 2 сўмдан ҳақ тўлашни белгилади.

Биз ноябргача 159850 сўм (еган иссиқ овқатимиз ҳам ичида) пул ишладик. Шундан 97558 сўмини олдик. Бироқ шундан сўнг 10 ноябргача ишлаган 62292 сўм пулимизни ҳалигача ололганимиз йўқ. Бу ҳақда Махтумқули номли жамоа хўжалиги раҳбари Нуриддин Сатторовга, Усмон Юсупов тумани ҳокими Е.Турсуновга ҳам учрашдик. Улар турли сабаб ва баҳоналар кўрсатиб, ишимизни ижобий ҳал қилишмади. 5 ойдан буён ўқувчиларимизнинг ҳалол меҳнати билан ишлаб топилган пулларини ололмай ораи сарсонмиз.

Шаҳрисабз туманидаги 32-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари номидан:

Ш.ХИДИРОВ, С.РАҲИМОВ, Ж.ШОДИҚУЛОВ ва бошқалар
жами 25 имзо.

Таҳрирсиз мактублар

САДАҚАНИ КИМГА БЕРИШ ЛОЗИМ?

Маҳалламизда истиқомат қилувчи бир бева аёл ёлғиз қизи билан яшарди. Нима бўлди-ю уша хонадонда ёнгин чиқиб, ҳаммаёқ қуйиб кул бўлди. Бундай бахтсиз ҳодисадан Зайнаб опа тушкунликка тушмади. На пули, на моли қолмаса-да ҳеч кимдан садақа сўрамади. Ор-номус, виждонни ҳар нарсадан устун қўйди.

Эски Жўва бозорида бир неча йиллардан бери ўтган-кетганлардан садақа сўраб ўтирадиган бир аёл бор. Бечоранинг боқувчиси йўқ экан, деб ачинардим. Нима бўлди-ю Янгибозор томонга йўлим тушиб, пойтахтда тиланчилик қилувчи аёлни кўриб қолдим. Юриш-туриши дуппа-дуруст. Ҳайрон бўлиб бекатдаги бир аёлдан сўрасам, у «нощукр банданинг уйида келини, бола-чақаси бор. Молхонада сигир, қўйлари... Узига яраша тўқ туради. Тошкентга атайлаб жўлдир кийиниб тушади. Шунга урганган. Одамларнинг садақасини уялмай олаверади», деди куйиниб.

Бундай воқеаларни ўз кўзим билан кўриб, садақа, эҳсон ҳақида ўйлаб қолдим. Бу ўринда Кўкалдош масжидининг имомларидан Қобилқори отанинг халойиқ олдида доимо айтадиган гаплари жуда ўринли: «Биродарлар! Масжидимиз атрофидаги тиланчиларга садақа бериб, текин таомга, меҳнатсиз мумай даромадга ўргатманглар. Булар келажакда юзсиз, меҳнатга буйин эгмайдиган, ор-номуссиз кимсалар бўлади. Яхшилаб суриштирсангиз асли улар сизу биздан узига тўқ одамлар. Ундан кўра ногирон, турли офатдан зарар кўрган ватандошларимизга эҳсон, садақа бер-сак савоб булар».

Дарвоқе, бунинг савобига нима етсин.

Омониллохон САЙДАМИН қори ўғли,
нафақахўр муаллим.

САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ ҚИЛСА...

Бозор иқтисоди шароитида қишлоқ жойларда бирон бир қурилиш қилиб, уни ниҳоясига етказиш анча қийин. Ширмонбулоқ қишлоғида 850 ўринли мактаб биноси қурилишининг бошланганига беш-олти йил бўлди. Пишиқ гиштдан қад кўтарган икки қаватли мактаб биноси қурилишини давом эттиришга жамоада маблағ йўқ.

Шундай қийин бир шароитда қишлоқ фуқароси Абдужалил ака Шарипов савобли иш бошлади. У ўз шахсий жамғармасидан қишлоқ болалари учун 320 ўринли мактаб биноси қуриб беришга бел боғлади.

Бу ғайратли ва шижоатли йигит ким дерсиз. У Ўзбекистон темир йўллари 2-депосида бригадир. Оилада меҳрибон ота.

— Мустақил давлатимиз келажаги фарзандларимиз қўлида экан, — дейди Абдужалил ака, — улар ҳақида қайғуриш, уларнинг ўқиши, яшаши учун зарур шароитлар яратиб бериш ҳар бир ота-она, раҳбарнинг энг биринчи вазифаси эканлигини унутмаслигимиз керак. Худо ҳоҳласа, Мустақиллик кунида янги мактабда биринчи қўнғироқ жаранглайди.

Мени бир нарса ўйлантиради. Одамлар жамғармаси эвазига ҳажга бориб келмоқда, ўзлари учун қаватлаб иморатлар қурмоқда. Майли, бу уларнинг шахсий иши. Лекин Абдужалил ака Шарипов қўл урган иш том маънодаги саховатли инсоннинг савобли ишидир.

Абдулла АБДУРАҲИМОВ,
Булоқбоши туманидаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЭСКИ ҲАММОМ, ЭСКИ ТОС...»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1996 йил 4 апрель сонида чоп этилган «Эски ҳаммом, эски тос...» сарлавҳали танқидий мақола Тошкент шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси томонидан кўриб чиқилди.

Шайхонтоҳур туманининг С.Есенин номли кўчасидаги боғ ҳақидаги танқидий фактлар тасдиқланди. Мазкур боғни тартибга келтириш учун ободонлаштириш Бош бошқармаси ўз фаолиятига тегишли қуйидаги ишларни амалга оширди:

— боғдаги дарахтларга шакл берилиб, ариқ зовурлар тозаланди;

— ариқ ва зовурлардан чиққан ва аҳоли томонидан чиқариб ташланган ҳар хил чиқиндилар олиб чиқиб кетилди;

— маиший чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш ишлари йўлга қўйилди.

С.Есенин кўчасидаги боғ Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги билан биргаликда тартибга келтирилиб, 1996 йилнинг 19 апрелида «Чўпонота» ва Олим Хўжаев номли маҳалла қўмиталари қарамоғига топширилди.

Тошкент шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Г. РУСТАМОВ.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

Дунё кўрган одамлар

ҚЎШ ҚАНОТЛАР

Оддийгина қишлоқ йўли. Йўл ярмида бораётган киши бир зум тўхтади. Ортда қолган сўлим қишлоғига суқланиб боқди. Ўзи ўсиб-улғайган бу она тупроқ кўзига янада гўзал кўриниб кетди. Шу вақтгача англамаган экан. Турмуш ташвишлари билан елиб-югуриб, умри ҳам ўтиб кетибди. Шу кичик қишлоқ йўли унинг қанча ташвишу қувончларига шерик. Энг аввал акаси Турсунмуродни шу йўлдан урушга жўнатишди. У қайтмади. Суяклари ўзга юрт тупроғида қолиб кетди. Боласи доғида куя-куя чолу кампир хасталанди. Фарзанд бўлиб уларни сўнгги йўлга ўзи кузатди. Сўнг шу йўлдан ўқишга қатнади, қишлоғига муаллим бўлиб қайтди. Салкам эллик йил ўқитувчилик қилди. Кейинчалик унинг фарзандлари ҳам шу йўлдан бирма-бир ўз бахтлари сари одим ташладилар. Эндиликда неваралари ана шу йўлдан боғчаю мактабларга боришади, уларнинг шод қийқириқлари ҳар кун шу кўчани тўлдириб янграйди...

* * *

«Шогирдларингиз ҳақида гапириб беринг» дейишди унга бир даврада. Ўйланиб қолди. Қай бирини айтсин. Эсида, у ҳар бир адабиёт дарсига ўзгача тараддуд билан, ҳаяжонланиб кирарди. Дарсдан сўнг қўлидаги газета-журналларни варақлаб, ўзи белгилаб қўйган шеъру достонларни болаларга ўқиб берарди. Ўқувчилар унга ҳайрат билан тикилиб туришарди «Муаллим, ўзингиз ҳам шеър ёзасизми, худди шоирга ўхшайсиз» деди бир куни улардан бири.

Ёдида, ўқувчилари «Ким бўлсам экан?» деган мавзуда иншо ёзишди. Шунда уларнинг ярмидан кўпроғи «адабиёт муаллими бўламан» деб орзуландилар. Шогирдлари... Қай бирини айтсин. Балки юз нафардир. Балки ундан ҳам кўпроқ. Яқиндан билганлари — профессор Назиркул Шербоев, филолог олим Олимжон Жўраев, шифокор Нарзиқул Каримқулов, шоир Жонибек Субҳон...

* * *

Мактабга директорлик қилган йиллари. Бир гал ўқитувчилар анжуманида РайОНО мудири унинг елкасига қоқиб кўнгил сўради: «Директорлик қийнаб қўйдими, Эргаш ака, негадир ҳорғин кўринасиз».

Шунда у кўнглини очди: «Ишлаётган мактабимда аксар ўқувчиларнинг ўзлаштириши паст, баъзи ўқитувчилар ўз устларида ишлашмайди, мактабни битираётганлар институтларга аранг киришяпти. Бу камчиликларни тузатишим учун менга ака-укадек қадрдон бўлиб қолган ўқитувчиларга қаттиқ-қуруқ гапиришимга тўғри келади. Ахир, «раҳбар бўлди-ю, тўнини тескари кийди» дейишмайдими улар. Қишлоқчилик, юз-хотирчилик қийнаяпти мени».

Шу суҳбатдан сўнг, йиллар ўтди. Синфхоналар кўнгилдагидек жиҳозланди, муаллимлар савияси оширилди, мактабда таълим-тарбия яхши йўлга қўйилди. Бунинг эвазига ўқувчиларнинг билим даражаси ошди, руҳан тетикланишди. Ана шу йилларда Эргаш Қосимов Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси бўлди!

— Мукофотлар ўз йўлига, — деди у қўл қисиб қутлаганларга. — Кишига асосий баҳони халқнинг ўзи беради!

* * *

Туманга халқ ноиби бўлиб сайланган кезлари... Қишлоқда минг ўринли янги мактаб биноси қуриб битказилди. Қаровсизликдан ёнатрофи очилиб, аянчли тус олган қишлоқ қабристони обод қилинди. Ёмликлар замонавий услубда қурилган ҳаммомга эга бўлишди. Яна... Урушда мардларча ҳалок бўлган акаси сингари қаҳрамонларга ёдгорлик ўрнаттиришга бош-қош бўлди. Эндиликда бутун қишлоқ Ғалаба байрамида ана шу ёдгорлик атрофида тўпланади, марҳумларни ёд этишади.

* * *

Ёмликлар тўй ўтказиш олдидан«маслаҳат оши» қилиб, қишлоқ кексаларини чорлашади. Улар ичидан ёши улуғ, ували-жували, обрўли кишини тўй маслаҳатчиси қилиб сайлашади. «Фарзандимиз ҳам сиздек пиру бадавлат бўлсин» деб ният қилишади. Эргаш ота ҳар гал тўй маслаҳатчиси бўларкан, бу юмушни у тўйнинг бошдан-охирига довур масъул бўлмоқ деб ҳисоблади. Шунинг учун ҳам ота дарров тўй режасини тузади. Шундай қилсинки, тўй ихчам, тартибли, чиройли ўтсин. Ортиқча сарфу харажат, беҳуда шов-шувларга ўрин қолмасин. Хуллас, тўй куни белгиланади. Тўй эгаси нима ҳам қиларди, ахир маслаҳатчининг гапи гап, сўзи сўз.

* * *

Дарвоқе, фарзандлари... Унинг қўш қанотлари! Умр йўлдоши Гулжамол ая билан ўн икки фарзандни тарбиялашди. Уйли-жойли қилишди. Оллоҳга шукр, болалари инсофу диёнатли, меҳрли бўлиб улгайдилар. Бу кун ҳаммалари элу юрт хизматида. Шарофат, Саломат, Зулфия, Гулбаҳор ота изидан бориб, ўқитувчи бўлди. Норинисо — шоира, Жамила — иқтисодчи, Муқаддас ва Марҳаболар ҳамшираликни касб этишди. Улуғбек эса агроном. Қолган ўғиллар ҳам турлича касб-ҳунар эгасини тутдилар. Келинлари, қуёвлари бири-биридан оқилу оқила, оила ҳурматини жойига қўйишади. Йигирма етти неваранинг ўзлари бир бўлакча-ю, жажжи эвара — Шоҳиданинг ўзи бир бўлакча. Тўю тўйчиқларда қуда-андалар қўшилиб тўпланишса, катта ҳовлига сигмай кетишади.

* * *

...Тоғли Зоминнинг Ём қишлоғига баҳор барвақт келади. Митти чучмомалар эрта кўз очади. Қишлоқ этагидаги сойнинг шарқираши узоқлардан акс-садо беради. Жамалаксоч қизалоқлар чалакчаларини кўтариб, юз йиллардан бери милтираб ётган булоқ томон шошиладилар. Уларнинг бижир-бижир қўшиқлари қушлар сайроғига қўшилиб кетади. Шундай кезларда Эргаш отанинг кўнгли яйрайди, тақдирига шукроналар ўқийди. «Оллоҳга шукр, шу кунларга ҳам етиб келдик» дея пичирлаб, элу юртга омонлик тилайди...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

ТЕРМИЗ – ҚАДАМЖО МАСКАН

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

Термиз Амир Темурнинг буюк давлатчиликни мустаҳкамлаш йўлидаги зафарли юришларига шоҳид бўлган шаҳар. Чунончи, 1370 йил охирида Балх ҳукмдори Ҳусайин қўшинларини маҳв этиш давомида у Термизда Саййид Барака номи билан машҳур бўлган Саййид Муҳаммад ал-Мадиний билан учрашади.

Ўша замон саййидларининг улуғ пешвоси Саййид Барака Амир Темурга салтанат белгиси — ноғора ва байроқ (туғ) тақдим этиб, унинг келажакда Соҳибқирон бўлишидан башорат билдирганлар.

Шундан кейин ҳам Соҳибқироннинг Термиз тупроғига икки марта (1399 ва 1404 йиллари) қадамлари етган.

Дарҳақиқат, Амир Темур ҳиммати дан баҳраманд бўлган юрт бугун Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига муносиб тараддуд кўрмоқда. Юбилей муносабати билан ҳукумат қабул қилган қарорга кўра, термизлик саййидлар сағанаси устида X-XI ва XVIII асрларда қурилган ва шўролар томонидан вайронага айлантирилган Султон-Саодат мақбаралар мажмуаси, ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси таъмирланмоқда. Жойларда улуғ бобомизнинг жаҳон тарихида тутган ўрни, давлатчиликни мустаҳкамлашдаги беқиёс тажрибаси, маданий мероси мавзуларида илмий-амалий анжуманлар ўтказиляпти.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 20

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Профилактика муносабати билан 20 май куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Юксалиш. Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.10 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Биржа ва банк хабарлари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Хуршид Даврон. «Тарих тилга кирганда...» 1-кўрсатув.
21.20 «Анъаналар этади давом...». Мусиқий дастур.
22.05 «Саҳна ҳаёти». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрининг актёри Рустам Маъдиев.
23.10 Диққат, премьера: «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Заҳматкаш олим».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.30 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Қурьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 «Уфқлар».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00 — 24.00 «Спорт қитъаси».

III
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
8.30 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 16-серия.
9.00 «Муносабат». Публицистик кўрсатув.
9.30 «Жаҳон киноси юлдузлари». Мэрилин Монро.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Болаликдан бошланади». Мактабгача тарбия масалалари.
10.45 Абдухолиқ Абдураззоқов. «Ўрток, Бойкенжаев». Видеофильм.
11.55 «Жигаристон: ўтмишни ёд этиб».
12.25 «Мио, болагинам Мио». Бадиий фильм.
14.00 —14.05 Янгиликлар.

***

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қирғиз шойиси». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.10—20.40

*

20.40 «Гўзаллик улашиб», «Даштижум». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30

*

21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 Эълонлар.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Қўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 «Замин саховати».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Кинематограф».
20.55 «Шарқ тароналари». Зайнаб Каримова.
21.30 «Спорт-тайм».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Мардона йигитлар».
22.45 «Етакчилар».
23.00 «Фильмлар ва тақдирлар».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 21

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Саҳна ҳаёти». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрининг актёри Рустам Маъдиев.
9.45 «Биржа ва банк хабарлари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ноу-хау». Публицистик кўрсатув.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Адабиёт.
11.00 Немис тили.
11.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.

*

12.00 «Бешинчи довон».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.55 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Тадбиркор таянчи». Телеочерк.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Хуршид Даврон. «Тарих тилга кирганда...». 2-кўрсатув.
21.20 Қўйлардан қўшиқларга.
21.55 «Акс-садо». Қуддус Аъзамнинг муаллифлик кўрсатуви.
22.40 «Табаррук қадамжолар». Соҳибқирон излари...
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.05 «Ҳангома». Юмористик кўрсатув.

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка». Телесериал.
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Баҳор». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.10—20.40

*

20.40 «Соҳибқирон — ижодкор нигоҳида». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30

*

21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 «Бу ажиб дунё».
22.40 Эълонлар.
22.45 —22.50 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Ҳалқ саломатлиги йўлида».
19.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 Эълонлар.
21.40 Америка бизнесининг тарихи. «Транспортда революция». 4-кўрсатув.
22.10 «Ширу шакар».
22.40 «Иштирок этувчилар».
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 22

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Акс-садо». Қуддус Аъзамнинг муаллифлик кўрсатуви.
9.10 «Турон юлдузлари» ансамблининг концерти.
9.40 «Замон билан ҳамнафас». Сурхон тадбиркорлари.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Мозийдан садо». Публицистик кўрсатув.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Кимё.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 «Ассалом, япон тили!».

*

12.10 «Ёшлик» студияси. «Менга сўз беринг!». Видеоканал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сахродаги ҳодиса». Мультфильм.
18.20 «Талаб ва таклиф». Самарқандликлар тажрибаси.
18.50 Спорт хабарномаси.
19.05 «Сифатли маҳсулот — соғлик гарови».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Хуршид Даврон. «Тарих тилга кирганда...» 3-кўрсатув.
21.20 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов куйлайди.
22.00 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Хоразм вилояти.
22.40 «Адашлар». Кинокўрсатув.
23.10 Мусиқий дақиқалар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 01.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. 1. «Трактор» — «Наврўз»; 2. «Нурафшон» — «Навбаҳор».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Қулгига нима етсин!»
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Маэстро». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 —8.00 «Телетонг».

***

18.10—20.40

*

20.40 «Ўғил, набира, эвара», «Самарқанд». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30

*

21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 Эълонлар.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «02» тўлқинида.
19.25 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Эл хизматида».
20.30 «Тошкент оқшомида».
21.30 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
21.35 Эълонлар.
21.40 «Кинематограф».
22.30 «Эллада».
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 23

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
8.55 «Ёшлар ва замон». Тележурнал.
9.25 «Маърифат маскани». Амир Темур сабоқлари.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кашф этилаётган имкониятлар». Ислоҳотлар самараси.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Умумий биология.

*

12.00 «Сўз». Ижтимоий-фалсафий кўрсатув.
12.30 «Фаввора». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бўғдойзордаги уйча». Мультфильм.
18.20 «Эртаклар яхшиликка етаклар».
18.55 А. Содиқов. «Бирдан — бир миллионгача». Телеочерк.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Хуршид Даврон. «Тарих тилга кирганда...» 4-кўрсатув.
21.20 «Бугун тушларимга кирмуш Андижон». Мусиқий дастур.
21.55 Ш. Ниғматова. «Ишингиз бароридан келсин». Муаллифлик кўрсатуви.
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «АСК».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.40 Тунги концерт.

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дармон».
20.10 «Хай Фай». («Юқори сифат»).
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Автосалон».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.25 «Спорт қитъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Сув ости салтанати». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 —8.00 «Телетонг».

***

(Давоми 4-бетда).

Эҳтиром

«ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИ»

Шундай деб сарлавҳа қўйдигу, ўйланиб қолдик. У геолог бўлмаса, ёки нодир осору атиқаларни тўпловчи бўлмаса. Оддий журналист. Бу касбнинг жавоҳирлар сандиғига нима алоқаси бор, дейишингиз мумкин. Бор гап шундаки, бу аввало Миршароф аканинг ўз илмий очеркларидан бирининг сарлавҳасидир. У шу очерки билан «Кафтдаги юрак» очеркини, айниқса, юрагига яқин олади, ҳамиша уларга кўзи тушганда киприкларига ёш инади. Ҳолбуки, бу икки очеркнинг туғилиши орасидаги масофа роппа-роса 20 йил.

1973 йил 5 августда «Совет Ўзбекистони»да чоп этилган «Кафтдаги юрак» очерки чин маънода унинг ёстиқдоши раҳматли Маъсуда Раҳимбоевага бағишланган эди. Ўшанда турмуш ўртоғи оғир юрак хасталигига чалиниб қолди. Миршароф ака бу хасталикни даволаш йўллари ҳақида жуда кўп манбалардан маълумотлар тўплади. Очеркни юрак дарди билан ёзди. Шу соҳанинг етук жарроҳи Восит Воҳидов унинг ёзилиш услубидан ҳам теша тегмаган бой далилларни излаб топганига тан берди. Восит Воҳидов унинг турмуш ўртоғи ҳолатини кўриб юракни операция қилишни маслаҳат берди. Аммо бемор, очиғи, бундан қўрқди. Бу эса Миршароф акага ҳали-ҳали армон бўлиб қолди...

Бундан уч йил муқаддам, 29 май куни «Жавоҳирлар сандиғи» илмий очерки босилиб чиқди. Унда халқ табобатининг кечаги, бугунги ва эртанги кунига назар ташлаган муаллиф рафиқаси дардига малҳам қўймоқчи бўлди. Э воҳ, бу очерк турмуш ўртоғи вафотидан тўрт кун кейин босилиб чиқди. Миршароф ака учун умр йўлдошини йўқотиш фожиага айланди. Дард устига чипқон деганларидек, юрак хасталиги билан шифохонага тушди. Унинг ўнлаб бир-биридан яхши, маънодор илмий очеркларини ўқиган эдигу аммо шеър ҳам ёзишларидан бехабар эканмиз. Шифохонада даволаниб ётганида у шундай мисраларни битибди:

Ўзимни қўярга жой тополмайман,
Куйингни куйлашга куй тополмайман,
Ўйимни ўйлашга ўй тополмайман,
Юлдузли осмонда ой тополмайман.
Эҳ, менинг ойимни ким олиб кетди?!
Бағримдан гулимни ким юлиб кетди?!

Ўша кезлари Ўзбекистон халқ табобати қўмитасидан бир хабар келди. Қўмита ҳайъати «Ўзбекистон овози»нинг халқ саломатлигини, айниқса, халқ табобати соҳасини яхши ёритаётганлигини таъкидлаб, Миршароф Муҳсимовни пул мукофоти билан тақдирлади...

Ҳа, у журналистикада азим дарё! Чуқур ва сокин оқади. Камгап, камсуқум. Қувваи ҳофизасининг кенглиги қаламидан маълум. Бу ҳаммаси кўпни кўргани, катта мактаб ўтаганидан нишона. Аслида етмишинчи йиллар бошида таҳририятимизга келганидаёқ қалами чархланган йигитлардан эди. «Отахонлар» наздида янада шакланди. Ҳабиб Нўъмон, Расул Раҳмонов, Ўктам Усмонов каби етук инсонларни устоз деб билди.

Бу инсон билан яқин мулоқотда бўлган киши ўзига хосликни сезади. У ҳам бўлса инсонлардаги эзгулик куртагини, сифат ва фазилатни илғай билишидир. Миршароф Муҳсимов деганда ўнлаб шогирдлару ҳамкасблар руҳиятида енгилликнинг ялт этиши ҳам шундан. Қанчалаб хизматдошлар ҳожатини чиқарганига гувоҳмиз. Зеро, яхшиликни унутишни гуноҳ санайди. Ҳар кунни Қадр, ҳар кимни Ҳизр билиш керак деб ҳисоблайди. Риёзат чекмагунча муродга етиб бўлмас деганларидек, холис ният билан ёшларга ибрат бўлиб турибди. Ҳавас қилайлик, ўн йилликдан олтитасини жамлашга етганлар ҳам, етмаганлар ҳам бор. Ҳамиша сафда бўлинг, акахон!

Ҳамид ИКРОМОВ,
Ҳайдар НОСИРОВ.

ДУНЁ ОВОЗЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ЧАРХПАЛАК

МАШҚ ПАЙТИДА ТЎҚНАШУВ

• *НЬЮ-ЙОРК. Америка Қўшма Штатларининг иккита ҳарбий вертолёти Шимолий Каролина штатида ўтказилаётган ҳарбий машқлар вақтида ҳалокатга учради. Эй-Би-Си телекомпаниясининг хабар беришича, икки вертолёт тўқнашуви натижасида олти нафар америкалик ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган.*

Мазкур ҳалокат АҚШ ва Буюк Британия қуролли кучларининг биргаликдаги машқлари вақтида рўй берди. Бу Иккинчи жаҳон урушидан буён ўтказилаётган энг йирик қўшма ҳарбий машқдир. Унда ҳар икки мамлакатдан 53 минг нафар ҳарбий хизматчи, 53 та ҳарбий кема ва 300 га яқин самолёт қатнашмоқда.

ЖИНОИЙ ИШ ҚЎЗҒАТИЛДИ

• РИМ. Италия ҳуқуқ органлари мамлакатда ўз мансабини суиистеъмол қилаётган раҳбарларга қарши кескин курашмоқда. Мамлакат прокуратураси Италия социалистик партиясининг собиқ раҳбари Беттино Кракси устидан жиноий иш қўзғади.

Суд Б. Краксини «жиноий гуруҳ тузганликда» айблаб, унинг Гонконгдаги ҳисоб рақамида бизнесменлардан олган бир неча миллиард лир миқдордаги маблағи мавжудлигини тахмин қилмоқда.

Лекин Бетинно Кракси илгари бошқа жиноятлари учун 25 йил муддатга озодликдан маҳрум этилгани боис, ҳозир Тунисда қочқинликда яшамоқда.

ВАБО ҚУРБОНЛАРИ

• *ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Ражастан штатида вабо касаллиги туфайли 17 нафар киши ҳалок бўлди.*

Бир ҳафтадан буён Ражастаннинг аҳоли зич жойлашган қишлоқларида мазкур касаллик тез тарқалиб, мамлакат аҳолисини қаттиқ ташвишга соляпти. Касаллик асосан аҳолининг сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиши натижасида тарқалмоқда.

ЖИНОЯТЧИЛИК КЎПАЙМОҚДА

• БОНН. Германия Федератив Республикасида жиноятчилик 1995 йилда 1994 йилдагига нисбатан 2 фоиз кўпайиб, содир этилган жиноятлар сони қарийб 6,7 миллионни ташкил этди, деди ГФР ички ишлар вазири Манфред Кантер журналистлар билан учрашувда.

Сўнгги пайтларда Германияда зўравонлик, тан жароҳатлари етказиш, талон-торожлик каби оғир жиноятларнинг авж олиб бораётгани тартибни сақлаш органлари ходимларини ташвишлантирмоқда. М. Кантер келтирган маълумотларга кўра, ўтган йили, айниқса, мамлакатнинг шарқий қисмида жиноятчиликнинг кучайиши сезилган. Бу ҳудудда содир этилган жиноятлар сони ҳар минг кишига ҳисоблаганда ғарбий ерлардагига нисбатан 30 фоиз кўпдир.

ДОВУЛ ОҚИБАТЛАРИ

• *НЕПАЛ. Непал қироллигида юз берган қаттиқ довул натижасида 20 нафарга яқин киши ҳалок бўлди. Непал Ички ишлар вазирлигидан маълум қилинишича, довул оқибатида, айниқса, мамлакатнинг жануби-шарқий туманлари қаттиқ зарар кўрган. Табиий офат кўплаб қишлоқлар, турар жойларни яксон қилган, 15 га яқин киши вайрона тагида қолиб ҳалок бўлган. Ҳалокат юз берган жойда телефон алоқаси ва электр энергияси узилиб қолди.*

ЁНҒИНЛАР КУЧАЙМОҚДА

• КУЗБАСС. Май ойида юз берган ёнғинлар туфайли Кузбассда 400 гектарга яқин ўрмон ёниб кетди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уч баробар кўпдир. Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси мутахассислари томонидан 81 та ана шундай ёнғин чиқиш ҳоллари қайд этилган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

• Женевада олти ҳафталик танаффусдан сўнг қуролсизланиш бўйича анъанавий конференция бошланди. Бу сафарги анжуманда ядро синовларини тақиқлаш ҳақидаги халқаро шартнома лойиҳаси бўйича бошланган музокараларнинг сўнгги босқичи бўлиб ўтади. Ушбу ҳужжат лойиҳасини жорий йилнинг охирига қадар ишлаб чиқиш режалаштирилган.

***

• 11 май куни АҚШ авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёт Майями штати яқинида ҳалокатга учраган эди. Ҳаво кемасида 5 нафар экипаж аъзоси ва 104 нафар йўловчи бўлган. Ҳалокат юз берган жойда қидирув ишлари олиб борилган бўлса-да, бироқ, на бир йўловчининг жасади, на самолётнинг қолдиғини топишга муваффақ бўлинди, дейилади шу мавзудаги хабарда.

***

• Туркия ҳукумати мамлакатдаги дастлабки АЭС лойиҳаси бўйича шу ойда эълон қилиниши керак бўлган халқаро тендерни яна номаълум вақтга ортга сурди, деб маълум қилди Туркия энергетика ва табиий заҳиралар вазири Хусни Дўған. Қуввати 1000-1400 меговаттга етадиган мазкур атом электр станцияси қурилишига кетадиган харажат 3-5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Атом энергияси бўйича Тукрия комиссияси мамлакатда АЭС қуриш режасини 1976 йилда қабул қилган эди. Бироқ, Чернобиль ҳалокатидан сўнг ушбу лойиҳани ҳаётга жорий этиш ишлари тўхтатилди. Шунингдек, маҳаллий жамоатчилик ҳам унинг қурилишига қарши чиқмоқда.

Франция

«БАҲОНАЛАР» БЮРОСИ

ЛИОН. Ажабланманг. Дунёда бюролар кўп, топилмалар, эсдан чиққанлар, қорбоболар. Ҳаммасининг ўзига яраша юмуши, ташвиши, мақсади бор. Шунданми «баҳоналар» бюроси мавжудлиги кишини унчалик ҳайратлантирмас балки.

Аслида у жуда керак ҳаммага. Аҳамият беринг-а.

Айниқса... Ҳа, «севишганлар»га!

Французлар ҳар соҳада маданиятли. Улар хонимларини беҳудага куттиришни бориб турган беодоблик деб билишади. Боришолмаса дарҳол «баҳоналар» бюросига қўнғироқ қилишади.

Те Ромео ҳам шундай қилди. Унга 6,3 долларга «ишонарли баҳона» топиб беришди. Бу баҳона энг имтиёзли ҳисобланади. Бюро хонимга расмий равишда қўнғироқ қилди:

— Мюсъе, сизга шуни маълум қиламизки, хушторингиз тасодифан бахтсиз ҳодисага учраб, оёғи синди. Шифохонада ҳозир. Учрашувга боролмаслигини маълум этамиз...

«Баҳоналар»нинг нархи эса «ишонарлилик қиймати»га қараб белгиланади.

Француз хонимлар ҳам эркаклардан қолишмайди. Нозик таъб, маданиятлиликда.

Шуниси қизиқки, худди шундай сервис хизматидан аёллар ҳам «баҳраманд» бўлишади. Ромеонинг «севгилиси» ҳам дарҳол унга маълум қилди.

— Кечирасиз, бугун ҳаво рутубатли. Хонимингиз ёмғир-пўшини тополмагани учун учрашувга боролмайди...

Ҳа, аёллар ҳамиша тежамли. «Жиддий, «ишонарли» баҳоналар қиммат-да! Гап баҳонанинг қийматидами, асосийси эркак кишини беҳуда куттирмаслик.



Яқинда Тошкентда америкалик суратқаш Рей Мьюз асарлари кўргазмаси очилди. Суратда сиэтллик санъаткорни кўриб турибсиз.

Филиппин

100 ДОЛЛАРЛИК ГАРОВ

Одамзотнинг феъл-атвори қизиқ. Баъзида бирор мушкул аҳволдан қутулишнинг осон йўлини қидирамиз. Оқибатда ундан ҳам оғир қулфатга рўбарў бўламиз. Лекин бу сафар «қулфат» қанча оғир бўлсаям кўникамиз.

Балиқчи йигит Серапио Линао эндигина 27 ёшга тўлганди. Уч нафар фарзанднинг отаси. У камбағалликдан руҳий тушкунликка тушиб кетди. Соғлиғида ҳам ноҳуш ўзгариш сеза бошлади. Мижозига ёқмаган ширинлик еб баданида қандайдир қизил тошма пайдо бўлди. Тиббий муолажага эса пули йўқ. Шундай кунларнинг бирида дўстлари билан «отамлашиб» ўтирганда америкалик сайёҳ билан баҳслашиб қолди. Гаров бойлади: 100 доллар!

Серапио бир ўтиришда 1000 та резина сақични «кўрдим» демаслигини уқтирди. Бунга унчалар иккиланмадиям. Чунки олдинлари ҳам у шиша стакан, 10 та пластмасса ручкани бемалол ютиб юборганди-да.

Ҳеч ўйлаб-нетмай гаровлашилган сақичларни юта бошлади. Мана, охиргиси. Охиргисини ютишга улгурмади. Қараса, қўлининг кафтида каттагина шиш-қабариқ пайдо бўлди. Қабариқлар минут сайин потирлаб, бутун баданига ёйила бошлади. Тунга бориб эса аъзои баданининг очиқ жойи қолмади. Эрталаб турганда унинг қўриниши мутлақо инсон қиёфасини йўқотганди. Ҳатто шиш-қабариқларнинг чойнакдек келадиганлари ҳам бор эди.

Қуни-қушни, дўстлари пул йиғишди, врачлар эса чорасини тополмади. Америкалик гаровчи эса маҳаллий қонунга кўра 250.000 доллар жаримани «жабрланувчи»га оғринмайгина тўлади. Филиппиндаги бирорта мутахассис ёки табиб йигитнинг дардини тузата олмади. Ҳатто тери касалликлари бўйича дунёдаги энг машҳур мутахассислар — АҚШ ва Япония шифокорлари ҳам Серапионинг аҳволини кўриб ҳайрон бўлишди. Афсус, бирор кимса бу дард чорасини ҳатто тахминий ҳам белгилай олмаяпти.

Орадан тўрт йилча вақт ўтди. Серапио тақдирига тан берди. 1993 йилнинг ёзида тасодифан жаҳон матбуоти орқали унинг аянчли аҳволидан гонгконглик тижоратчи хабар топди. Пекиндаги нуфузли шифохонага ўз ҳисобидан тиббий хизмат учун бажонидил пул ўтказишини маълум қилди. Лекин ҳозирда мутахассислар бу операция йигитнинг кейинги ҳаёти учун хавфли деган хулосага келишди.

Эндиликда Серапионинг тақдирга тан беришидан ўзга иложси қолмади.

Эҳтиром

ЮЛДУЗЛАР ОРАСИДАН БОҚАЁТГАН ЮЛДУЗ

Андижонда катта тўй бошланди. Халқимизнинг назокатли адибаси Саида Зуннунова ҳаёт бўлганида биз билан ўзининг етмиш йиллик тўйини нишонлар эди. Лекин негадир ўзбек адабиётининг барча мухлислари ҳассос шоирани ҳар гал тушкун кайфиятда эмас, балки енгил руҳ билан эслайди. Кўз олдимизда Саида Зуннунова бетакрор адабиётимиз гулшанини ёруғ юлдузлар орасидан кузатиб тургандай.

***

... Еттинчида ўқирдим. Бир куни кутубхоначи опамиз «зўр китоб олиб келдим, киргин», деб қолди. Катта танаффусним кутмай чопдим. Ҳожира ойи (Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин) жилмайибгина, ихчамгина сариқ муқовали китобни қўлимга тутқазди. Қарадим — Саида Зуннунова. «Нилуфар». Китобни олишга олдим-у анча вақт кутубхонага бормадим. Чунки у киши «ўша китобни қайтармагунингча, бошқа ҳеч нарса бермайман», дерди-да. «Нилуфар»ни ҳеч қайтаргим келмасди. Охири опага ялиндим. «Урнига учта бадиий китоб олиб келсанг, бераман» деди. Шартини бажардим. Ҳозир ҳам «Нилуфар» мен билан...

Йигирма бир йилдан бери ўқиларилиб ранги ниққанлиги рост. Аммо ўқиганим сайин фикрларим янада тиниқлашиб, бу масъум шеъриятнинг нафаси тобора юрагимни ситиб юборавераді.

Йигирма бир йиллик иқрор яна бир ёшга улғайди юрагимда. Саида Зуннунова ижодиёти ўз мулкингизга айланмагунча ҳаловатингизни ўгирлайверадиган эрка, бокира ижод эканлигини теранроқ англайверасиз. У қандай жанрда ёзган бўлса-да, уларнинг ҳаммаси гўзал инсоний туйғулар — меҳр-оқибат, заминга муҳаббат, ёрга садоқатнинг кўзгуси сизни ўзига тортаверади. Уларни ўқиб... Атрофга теранроқ қарашни ўрганасиз. Кеча кимнидир билиб-билмай ранжитган бўлсангиз узр айтмоққа шошиласиз.

Сир эмас, бугунги кунда ўзбек шеъриятида эл назарига тушган кўпчилик ижодкорлар Саида Зуннунованинг шогирди эканлигини айтиб фахрланади. Опа кўрганга дармон, кўрмаганга армон бўлиб кетдилар. Шоирани бир кўрмоқнинят қилганлар опанинг ижодини севишга, уларга эргашишга, ўрганишга интилади.

Қаноат БОЙХОН қизи.

Тўлан НИЗОМ

ОҚ ГУЛ

Саида Зуннунова хотирасига

I

Дунёда гуллар кўп. Ҳаммаси ҳам соз:
Қизил гулда яшар кўнгул илинжи.
Сариқ гулда эса яна номсиз роз,
Қора қатмақатда кўз ёши инжу.

Лек, оппоқ атиргул хаёлим олди,
Умрим эртакларин солди эсимга.
Унга қарай-қарай кўзларим толди...
Сўнг оқшом марҳумам кирди тушимга:

Бир дона оқ гулни чаккамга тоқдим,
Яна бир дастасин босдим, бағримга.
Билмадим мен сизга ёқмадим, ёқдим?..
Ҳар қалай гул эдим мен ҳам шаҳримга.

Уйғондим. Тошиқдим. Боғим оралаб —
Оппоқ атир гулни топа олмадим.
Оҳ, дедим, соғинчдан қалбим яралаб,
Неча кун йиғидан сира қолмадим.

Ахтардим. Ахтардим покдомон гулни,
Тиниқ жамолида қуёш бор дедим.
Энди, қайдан излай ул оқ кўнгулни,
Меҳрига зор эдим, мен оппиқ эдим.

Ер юзин айландим, оламни кездим,
Улуғ дараёларга айтдим сиримни.
Алқисса, буюк дард нелигин сездим,
Ва топдим оппоқ гул ўсган еримни...

II

Тонг ёриб бормоқда. Ўчмайди чироқ,
Адиб кўзларига илинмас уйқу.
Адиб кўзларида жонланганда боғ,
Шарқдан қуёш чиқди таратиб ёғду.

Эл суйган бу адиб муҳтарам, азиз,
Унга эргашаман боғда, йўлакда.
Ям-яшил майсалар беркитади тиз,
Бир туп оқ гул кўрдим берги бўлакда.

Солланиб турибди ўйчан, нафармон,
Ҳали лаб очмаган бесаноқ гунча.
Улар дер: бир куни бахтим топарман,
Бағримда оппиқлиғ — пинҳон тугунча.

Устоз ҳузурида ўйларга ботдим,
Тақдир дафтарларин ўқидим бир-бир.
Ийманиб, мен секин битта сўз қотдим:
Анави оқ гулга мен бўлдим асир...

Тагида ниш уриб чиққан ниҳолни
Армуғон этсангиз, бўлардим хурсанд?
Устоз англаб олди менда бир ҳолни:
Кўчириб бераман, сал бўлсин баланд —

Дедию, гапини бурди, пайқадим,
Лекин, узолмадим гулдан кўзимни.
Гулга монанд қилиб бошим чайқадим,
Хаёл уммонида кўрдим ўзимни

Ҳовлини супуриб юрибди опа,
Лаби тўла кулгу, қалб тўла туйғу.
— Саидахон, деди, адиб бир дафъа: —
Мана бу оппоқ гул, Сизга ўхшар у...

Адибга тикилдим. Оғир сукунат...
Юрак дук-дук урар, нидосин сездим.
Боғ ичра ҳукмрон сукунат фақат...
Секин пичирладим — ўзимни эздим:

Танҳо яшай олмас оламда жонзот,
Булбул-ку гунчанинг дарди билан банд.
Ёлғизлик худога ярашган, устод!
Мен-да тақдир ишин қилмасдан писанд —

Энг асил ишқимни тополмадим-а,
Бошимни қўксига қўя олмадим.
Тобутта меҳримни ёполмадим-а,
Ёримга тўймадим, тўя олмадим.

III

Боғ ичра товланиб турибди оқ гул,
Минг афсус хаёлин сурибди оқ гул.
Бошқа гуллар қани, нега у ёлғиз...
Танҳолик дардини кўрибди оқ гул.

Япроқлар тип-тиниқ, новдалар яшанг,
Майсалар силкинур, либоси башанг.
Тонгдан қуёш суяр, шомдан ой суяр,
Оқ гулим, не учун сенинг ҳолинг танг...

Айттил, қандай алам, қай ҳасратинг бор,
Мунча тўлғонасан сен-ки беқарор.
Ёнингда арчалар, чинор, арғувон,
Тегрангда ёввойи гуллардан девор.

Ариқда эрка сув сенга интилар,
Булутлар баргингга нуқралар илар.
Субҳидам маҳали, салқин саҳарлар,
Қушчалар чулдираб шохингда йиғлар.

Адиб одимлади секин боғ томон,
Гўё қараб турар жумлаи жаҳон.
Оқ гулга тикилди ўксик руҳ билан,
Хотирда мисралар қилди тўполон:

«Гуллар юзида ханда бу боғдан ёр ўтдими,
Одатин қилмай канда, яна бедор ўтдими.
Дилда такрорлаб отин, тилаб умру давлатин,
Сояси бўлиб тағин Саида зор ўтдими.»[1]

Тилфон жиринглади. Айвон ичида
Адиб сўзлар эди, кулгу кучида—
Фараҳли хотира сал нари кетди,
Кўш каптар потради боғнинг буржида.

IV

Юз йил яшаб қадрин топмаган кўпдир,
Бир шеър билан ўлимни билмаганлар бор.
Яхшилик жомидан лабларга ўпдир,
Сендан-да, авлодлар қолур миннатдор.

Тутинган синглиси шоир Мукаррам[2],
Устозин хотирлар суйиб, суйдириб.
Ойдин тутган нурли, оташин қалам,
Элга садо қилур куйиб, куйдириб:

«Чала қолган шеърлар сарлавҳасида
Бири кам дунё деб, хўрсинар баҳор!»
Ҳалима чизолган дил лавҳасида
Саида опанинг ўткир кўзи бор.

Турсуной фахрим дер, ифтихорим дер,
Момолар ғурури унда мужассам.
Мустаҳкам қаторим, сафда борим дер,
Ижод булоғидан мен қониб ичсам.

Барчани шод айлаб, жим кетди ўзи,
Заминга сиғмаган ташвишни ютиб.
Баъзи бир кимсага тилайман тўзим,
Туғишган халқини қўяр унутиб.

Манман яшамоқлик не учун керак,
Камтарин турмушда ором, фароғат.
Кам соя беради тик ўсган терак,
Бошларга соябон мажнунтол фақат.

1 — Ойдин Ҳожиева сатри.
2 — Мукаррама Муродова, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Турсуной Содиқова — Саида опанинг севимли шогирдларидир.

Футбол

«НАВБАҲОР» ИЛДАМЛАМОҚДА

Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари тўртта ғалаба, битта дурангдан кейин 13 очко билан ягона пешқадам бўлиб олишди. Учрашувларда эса қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. «Динамо» (У) — «Нефтчи» — 1:3, «Дўстлик» — «Нурафшон» — 3:1, «Навбаҳор» — «Атласчи» — 6:0, АСК — «Янгиер» — 0:0, «Суғдиёна» — «Трактор» — 3:0, «Наврўз» — «Динамо» (С) — 2:0. Ҳозир «Нефтчи» 12 очко билан иккинчи ўринда бормоқда. «Нурафшон», «Дўстлик», «Суғдиёна» ва «Наврўз» жамоаларида тўққизтадан очко тўпланди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки жамоаси бошқарув раиси Нуритдин Фахритдинович Муҳитдиновга волидаи муҳтарамалари **СОХИБА ҳожи она**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика «Пилла» уюшмаси жамоаси республика пиллачилик бош бошқармасининг собиқ ўринбосари **Қодир Ҳакимович ҲАКИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

А. Навоий номидаги Катта театрда

24 май куни соат 18да

Халқ артисти, Давлат мукофотлари лауреати,
профессор
БЕРНОРА ҚОРИЕВА
юбилейига бағишланган
КЕЧА
ўтказилади.
Касса соат 9. 30 дан 19. 00 гача ишлайди.
Телефон: 33-30-81.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

18.10—20.40

*

20.40 «Боғимизга марҳамат», «Олатов гуллари». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30

*

21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 Эълонлар.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Компьютер-ревю».
19.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Каталог».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
21.50 «Ҳамшаҳарлар».
22.25 «Рақслар қанотида».
23.05 — 23.15 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.45 Ш. Ниғматова. «Ишингиз бароридан келсин». Муаллифлик кўрсатуви.
9.30 «Соғлом авлод учун». Спорт дастури.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қувноқлар даврасида».
Ўқув машғулотлари:
10.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.00 Немис тили.

*

11.30 «Кичкинтой»га хат келди».
12.00 «Мулжал». Публицистик кўрсатув.
12.40 «Нодир шахс». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Баджахл Бамбр». Мультфильм.
18.20 «Синфдош». Тележурнал.
18.55 «Буни умр дерлар». Сарсенбой ота.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ҳаёт ва қонун». Акциядорларнинг ҳуқуқлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Хуршид Даврон. «Тарих тилга кирганда...». 5-кўрсатув.
21.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мутал Бурхоновнинг юбилей кечаси. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
22.50 «Жаҳон жамоли». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.25 «Чемпион билан учрашув». Артур Григорьян.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртак».
18.35 «Жума тақвими».
18.40 «Юлдузлар».
19.10 «Блиц». Фотокўрик.
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Шарқ тароналари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Эртага — шанба».
21.25 «Мафтункор чеҳралар».
21.50 «Таманно».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 — 23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Саҳро тимсоҳи». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.15—20.40

*

20.40 «Эстафета». Спорт кўрсатуви.
20.55 Эълонлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30

*

21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 «Дорбоз Тошкенбоевлар». Телефильм.
22.45 Эълонлар.
22.50—22.55 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Бу бўстон аро...»
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Дунё эшиги».
20.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.00 «Бизнес-академия».
21.25 «Шалом!».
21.55 Эълонлар.
22.00 «Тошкентнома».
22.30 «Истеъдодлар ва мухлислар» (такрор.).
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Ҳайитмат Расул. «Муҳаббат султони». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
10.10 Болалар учун. «LEGO» сайёраси.
10.35 «Олимп сари». Спорт дастури.
10.55 «Томошабин мактублари».
11.25 «Шоҳруҳ» клуби.
11.55 «Тараннум». Мусиқий дастур.
12.25 «Ўйла! Изла! Топ!». Телетанлов.
13.10 — 14.50 «Маънавият» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Менинг филим бўл». Мультфильм.
18.15 «Сўнгги қўнғироқ».
18.45 Спорт хабарномаси.
19.00 «Дил қувончлари». Киноконцерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 17-серия.
21.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Қўшиқлар кўрик-танлови.
22.00 «Оламда бир олам гап».
22.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.15 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Компьютер-Осиё».
10.05 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
10.55 «Автосалон».
11.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
11.55 «Кинонигох».
13.35 — 14.35 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Совға».
18.20 Эълонлар.
18.25 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мактуб».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.30 Видео янгиликлари.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 — 00.10 Видео — «О».

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.15—20.40

*

20.40—22.00 «Тоғлардан юксак». Бадиий фильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.00—23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25—23.45 «Жонли сайёра».

IV

10.00 «Болалик» бекатидан қузатишлар». Болалар учун фильм. 1-серия.
11.05 Эълонлар.
11.10 «Бизнен-мирас» (татар тилида).
11.50 «Сахий хонадонда».
12.30 «Дидар» (қозоқ тилида).
13.10 — 13.40 Ҳамза номидаги мусиқа билим юртининг симфоник оркестри ижро этади.

***

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.05 «Дунё ва болалар».
19.35 «Телеташ риф».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Эсдалик учун дастхат».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «Олам ва одам».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Бу ажиб дунё».
22.30 «Синема». Ал Пачино.
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 17-серия.
11.30 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.20 «Қишлоқ ҳаёти». Тележурнал.
13.05 «Актёрлар ва роллар». Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика сатира театрининг актёри Зарифа Исмоилова.
13.55 — 15.50 «Нурли келажак». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Табиат шайдолари». Телебеллашув.
18.35 «Ғазалхон ёшлигим». Адабий композиция.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат қушиқлари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маъмуржон Тўхтасинов.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 18-серия.
21.35 «Санъатга бахшида ҳаёт». Халқ артисти Бернора Қориева.
22.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Нефтчи» (Фарғона).
23.05 Дам олиш концерти.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 — 00.25 «Бир актёр театри». Анвар Обиджон. «Ташрифингиз мени қилди лол».

II

9.00 «Эртак».
9.20 «Блиц». Фотокўрик.
9.30 Шарқ тароналари.
10.00 «Ривоят».
10.10 «Мафтункор чеҳралар».
10.35 «Таманно».
10.45 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
11.40 «Мактуб».
11.50 «Имкон чўққилари».
12.10 «Кўнгил».
12.40 Видео янгиликлари.
13.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
13.40 Видео — «О».
15.20 — 16.20 «Спорт қитъаси».

* * *

17.30 «Келгуси ҳафтада».
17.45 Эълонлар.
17.50 «LEGO» сайёраси.
18.15 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Шахс ва баҳс».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Футбол олами».
21.35 «Илҳом сатрлари».
21.40 «Келгуси ҳафтада».
21.50 «Даракчи».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 — 00.20 Видео — «О».

III

17.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.10—19.30

*

Россия давлат телевидениеси
19.30 — 22.50

*

22.50 Эълонлар.
22.55 —23.20 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 Эълонлар.
12.15 «Парле ву франса?», Француз тили ҳамма учун.
12.45 «Нима учун?».
13.15 «Жонли сайёра».
13.35 — 14.05 «Мюзик-холл».

***

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.05 «Учқун».
19.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.05 Эълонлар.
20.10 «Сенинг вақтинг». Ёшлар учун дастур.
20.40 Кинонинг олтин асри. «Қора лола». Бадиий фильм.
22.20 Эълонлар.
22.25 «Миср кеча ва бугун». 11-кўрсатув.
23.10 «Бу ажиб дунё».
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

MINISTRY FOR FOREIGN ECONOMIC RELATIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN REPUBLICAN COMERCIAL EXHIBITION CENTRE "UZEXPOCENTRE"
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ САВДО-КЎРГАЗМА МАРКАЗИ

UZEXPOCENTRE

1996 йил 17-20 май
"Ўзэкспомарказ" РСКМ
2-павильон
Амир Темур кўчаси, 107-уй
(собиқ ХХЮК)

Шаржа Амирлигининг савдо-саноат палатаси
"Шаржа Амирлиги экспорт маҳсулотлари" кўргазмаси

Мамлакатнинг етакчи 25 фирма ва компанияси халқ истеъмоли молларини намойиш этади.

Иш тартиби: ишбилармонлар учун — соат 10⁰⁰-14⁰⁰гача.
ташриф буюрувчилар учун — соат 14⁰⁰-18⁰⁰гача.

"ОДИЛ - ДОН"

ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ **(ОТАЖ)**
бошқарувининг мажлислар залида
21 май соат 16.00да акционерларнинг умумий йиғилиши бўлади.
Жамият акциядорлари шу куни соат 13.00дан рўйхатга олинадилар

Кун тартибида:

1. ***"Одил-дон"*** ОТАЖ нинг 1995 йил сўнгги ҳамда 1996 йил биринчи чораклaридаги фаолияти бўйича ҳисобот ва жорий йилдаги вазифалари
2. ***"Одил-дон"*** ОТАЖ да ўтган йилнинг тўртинчи чораги ва жорий йил биринчи чораклари натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.
3. Дивиденд миқдорларини тасдиқлаш.
4. Бошқа масалалар.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 37.
Телефонлар: (3712) 67-53-10, 67-35-08.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 31847 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0242

Босишга топшириш вакти — 21.00.
Топширилди 21.50.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА